ШУҲРАТ СИРОЖИДДИНОВ

# Ҳижрий ва милодий йилларни ўзаро табдил қилиш усуллари

ШУҲРАТ СИРОЖИДДИНОВ

# Ҳижрий ва милодий йилларни ўзаро табдил қилиш усуллари

Тошкент – 2019

3-жадвал. Милодий йил ойлари........ 88
4-жадвал. Милодий йил ҳафталарда........ 92

**Ҳижрий-милодий тақвимларини табдил қилиш қисқа жадваллари ҳақида**

В. В.Цибульский жадвали........ 106
Цибульский жадвалидан фойдаланиш тартиби........ 106
Г.Д. Мамедбейли жадваллари........ 110
Милодийни ҳижрийга айлантириш........ 110
Ҳижрийни милодийга айлантириш........ 115
Г. Фриман Гринвил жадваллари........ 119
Ҳижрийдан милодийга айлантириш........ 119
Милодийдан ҳижрийга айлантириш........ 129
**Адабиётлар**........ 131

# КИРИШ

Қўлёзмалар халқ тарихи, маданияти, адабиёти, тилини ўрганиш, тараққиёт тарихининг қоронғи саҳифаларига аниқлик киритиш учун бой ашёвий далиллар берувчи бирдан-бир ишончли манба, ҳужжатдир. Ўзбек халқи ислом маданиятининг турли босқичларига оид кўплаб ёзма ёдгорликларнинг ворисидир. Бебаҳо меросимиз бўлган қўлёзма манбалар, расмий ҳужжатлар дунёнинг йирик кутубхоналари, қўлёзма фондлари, тарих музейларида сақланиш билан бирга, айни чоғда,хал қимиз қўлида ҳам сақланиб келмоқда.

Қўлёзмаларнинг барчаси араб графикасига асосланган эски ёзувда битилган. Деярли минг йиллик даврга оид тарихий, адабий, илмий адабиётлар бизга мана шу ёзув орқали етиб келган. Уларни ўқий оладиган, таҳлил ва шарҳ қилишни уддалай оладиган мутахассислар саноқлилигича қолмоқда. Ёзма ёдгорликларнинг оз қисми кекса авлодга мансуб маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан тадқиқ этилган. Нашр этилган қисми ҳам вақт ўтиши, адади камлиги сабабли аллақачон камёб, библиографик нодир нусхаларга айланиб улгурди. Бугунги кунда кўпчилик улардан бебаҳра.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йил 24 майда имзоланган "Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарор матншунослик, манбашунослик, тилшунослик, фалсафа, тарих соҳаларида илмий ишларни олиб бориш, қўлёзмалар билан ишлаш малакасига эга бўлган ёш мутахассисларни асосида мақсадли тайёрлаш учун катта имконият